

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ВА  
ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИГИ**

*Ички ишлар Вазирлиги Академияси курсанти*

**Ғуломжонов Бекзод**

**АННОТАЦИЯ:** Ушибу битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарбилиги, предмети, обьекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш органлари билан ҳамкорлиги тушиунчаси, ушибу ҳамкорликнинг жиноятларининг барвақт олдини олишидаги аҳамияти, бугунги кундаги ҳолати, шунингдек ушибу ҳамкорликдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиши бўйича бир қатор таклифлар ишилаб чиқилилган.

**РАЙОН ИНСПЕКТОРОВ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ И  
С ОРГАНАМИ ПОДДЕРЖКИ СЕМЬИ  
ПАРТНЕРСТВО**

**АННОТАЦИЯ:** В данной дипломной работе рассмотрена актуальность темы исследования, предмета, объекта, задач, концепция сотрудничества инспекторов профилактики с органами соседской и семейной поддержки, значение этого сотрудничества в ранней профилактике преступлений, его современное состояние, а также проблем и недостатков в этом сотрудничестве и их устранению разработан ряд предложений.

**PREVENTION INSPECTORS' NEIGHBORHOOD AND  
WITH FAMILY SUPPORT AUTHORITIES  
PARTNERSHIP**

**ABSTRACT:** In this graduation thesis, the relevance of the research topic, subject, object, tasks, the concept of cooperation of prevention inspectors with neighborhood and family support bodies, the importance of this cooperation in the early prevention of crimes, its current state, as well as problems and shortcomings in this cooperation and their elimination a number of proposals have been developed

Мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уни мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг аҳоли билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида мавжуд маҳаллаларнинг ҳар бирида камида бир нафардан профилактика инспектори фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида қўшимча 2,8 мингдан зиёд штат бирлиги ташкил этилди.

Ички ишлар органлари шахсий таркиби зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажариш учун ҳар бир ходим кенг дунёқарашли, юксак маънавият соҳиби бўлиши лозим. Ана шу мақсадда Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги қарори билан Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди. Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишда ички ишлар органлари амалиётида илк бор еттига вазирлик ва идора билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Буларнинг барчаси шахсий таркиб билан ўтказиладиган маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни янада кучайтириш имкониятини яратди.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ички

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

ишлиар органларида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтанинг жума куни “Ватанпарварлик куни” тадбирлари ташкил этилиши анъана тусига кирди. Идоравий таълим муассасаларида эса “Ватанпарварлик асослари”, “Маънавият асослари”, “Ватанпарварлик тарбияси”, “Касбий маданият” каби фанлар ўқитилиши жорий этилди. Ўтган қисқа давр ичида 60 мингдан ортиқ турли маънавий-маърифий ва маданий тадбир, давра сұхбатлари, тарбиявий-профилактика ҳамда тарғибот-ташвиқот йигинлари ўтказилди.

Ушбу йўналишдаги ишлиар самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлиар вазири раислигида Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти йўлга кўйилди. Кенгаш аъзолигига таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг 50 нафар раҳбари киритилди. Авваллари ушбу ишлиар билан фақат кадрлар бўлинмалари шуғулланган бўлса, эндиликда барча тоифадаги раҳбарларнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Бугунги кунда ходимларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлиар органларида жами 22 та музей ва 351 та “Маънавият ва маърифат” хонаси фаолият кўrsатмоқда.

Юртимизда ёш авлодга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайган. Чунончи, бола хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз бўйича ички ишлиар органларида вояга етмаганлар масалалари бўйича жами 1100 та инспектор-психолог лавозими жорий этилди ва уларнинг бевосита хизмат ўташ жойи сифатида умумий ўрта таълим мактаблари белгиланди.

“Маҳалла – ҳам онанг, ҳам отанг” ҳикмати бежиз айтилмаган. Маҳалланинг тарбия маскани сифатида янада шаклланишига барча бирдек ҳисса қўшмоғи лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга ошириш, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргалиқда ишлашини ташкил этиш мақсадида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси жорий қилинди. Ушбу масканда профилактика инспекторлари аҳолининг муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тамойиллари асосида ишлаш тизимига ўтилди.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген оғатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъи-ҳаракатлар инсон қадри учун” устувор ғояси асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳавий хизматдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унга кўра, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш, вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Жамоат хавфсизлиги департаментининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

Ички ишлар органлари, айниқса, профилактика инспекторлари кундалик фаолиятида бевосита аҳоли билан мулоқотда бўлади. Табиийки, фуқаролар турли масалаларда мурожаат этади. Қолаверса, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш учун осойишталик посбони керакли билимларга эга, салоҳиятли кадр бўлмоғи керак. Бу эса улардан, айниқса, чуқур хуқуқий билимли бўлишни талаб этади. Шунинг учун фармонга кўра, 2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шахри ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади. Бунга эришиш мақсадида профилактика инспекторлари учун ИИВ академияси сиртқи таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камидаги йигирма беш фоизи миқдорида қабул қвотаси ажратилади.

Хужжатда фидойи ходимларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган. 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шахри ва вилояти ички ишлар органларидан икки нафардан, қолган ҳудудий ички ишлар органларидан бир нафар профилактика инспектори департамент бошлиғи тақдимномасига асосан ИИВ академиясининг сиртқи таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади ҳамда бепул ўқитилади.

Шу ўринда Президентимизнинг 2021 йил 30 ноябрдаги “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Унга асосан, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб ички ишлар органларида уч йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, касбига фидойи, ташаббускор профилактика (катта) инспекторларини Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда юриспруденция соҳасида бакалавриат таълим йўналиши мавжуд бўлган бошқа давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз сиртқи таълим шаклига ўқишига қабул қилиш тартиби жорий этилади. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги академияси

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

ҳамда Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бундан мустасно. Ўқишига қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ҳамда контракт маблағлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан Ички ишлар вазирлиги орқали тўлаб берилади.

Хужжатда профилактика инспекторларининг ҳудудда, хусусан, шаҳар ва қишлоқ шароитида фаолият юритиши бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи “шаҳар инспектори” ва “қишлоқ инспектори” моделларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш ва улар бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, тизимдаги босқичма-босқич ислоҳотлар замирида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш ҳамда юксак маънавиятли ва садоқатли қилиб вояга этишини таъминлаш мақсади ётади. Бу борада ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти ички ишлар органларида ташкил этилаётган “Ватанпарварлик бурчаклари” ўрнатилган тартибда жиҳозланишида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Энг асосийси, департамент ташаббуси билан чоп этилаётган турли китоблар ёш ходимларнинг маънавияти ошишида муҳим аҳамият касб этажири.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, халқа энг яқин бўлган профилактика инспекторлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни самарали бажариш эса улардан касбий маҳорат, бой тажрибадан ташқари чукур ҳукуқий билимни ҳам талаб этади. Президентнинг юқорида тилга олинган фармон ва қарорлари ана шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиласи. Қолаверса, ҳар томонлама билимли профилактика инспекторларигина давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалланинг ички ишлар органларидағи ҳақиқий вакили бўла олади.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9150 дан зиёд маҳалла фуқаролар йиғини жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнамоқдаб.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳукуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органларининг фаол иштирок этишига тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда: биринчидан, давлатнинг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари билан самарали ва конструктив мулокот механизмлари йўлга қўйилмаган, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаган; иккинчидан, ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органларини жалб қилиш даражасининг пастлиги барча ижтимоий гурӯхларнинг манфаатларини чукур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти; учинчидан, мамлакатни социал-иктисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол,

ўзининг ташабbusларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти; тўртинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермайди; олтинчидан, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қўлланилаётган идоралараро ҳамкорлик усуллари самарасизdir, давлат органлари ўртасида маълумотлар ва ахборот алмашишнинг ягона

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

механизмлари мавжуд эмас; еттинчидан, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органларининг моддий-техника таъминоти ҳанузгача қониқарсиз ҳолатда қолмоқда, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта муддатли ва узок муддатли кенг кўламли ҳамда умумレスпублика миқёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермаяпти.

Бугунги кунда ҳукуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда, жиноятчиларни фош этишда ҳамда ҳукуқбузарларга нисбатан таъсир чораларини амалга оширишда жамоатчилик ёрдамидан кенг фойдаланиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Бирок шунга қарамай, республикамизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва такомиллаштириш ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида долзарблигича қолмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: V. маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш 71-мақсад: Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” гоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш. “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш.

Аҳоли ўртасида ҳукуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳукуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларни ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш.

Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ва ушбу қонун ижроси бўйича қабул қилинган норматив-ҳукуқий хужжатларда белгиланган

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

қоидаларга асосан профилактика (катта) инспектори маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш органлари билан қуидаги йўналишларда ҳамкорлик қиласи: – аҳоли, энг аввало ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар, хуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш; – ахлоқ-одоб доирасидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ва ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш;

– оила-турмуш муносабатлари соҳасида ғайриижтимоий хулқатвор, қилмиш, турмуш тарзи ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; – маҳалла фуқаролар йигини ҳузурида яраштириш, маърифат ва маънавият масалалари, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш комиссияларининг аъзоси сифатида иштирок этиш, шунингдек, бошқа йўналишлар бўйича комиссияларга улар ваколатлари доирасидаги масалаларни қўриб чиқиша кўмаклашиш; – хотин-қизларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг олиб борилишида амалий ёрдам кўрсатиш; – виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний экстремизмнинг олдини олиш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш; – озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, шартли хукм қилинган, жазони ижро этиш муассасаларидан шартли озод этилган, маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик хисобда турган ва бошқа шу

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

каби шахсларнинг турмуш тарзини назорат қилиш, улар билан тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш; – маҳаллада хавфсизликни таъминлаш мақсадида хонадонларга кириб чиқиб, фуқароларнинг оиласи турмуш тарзини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни тегишилиги бўйича ҳал этиш чораларини кўриш; – фуқароларга паспорт тизими қоидасига амал қилган ҳолда яшашлари шартлиги, доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшашларига йўл қўймаслик, хонадонларини ноқонуний равишда ижарага бермаслик юзасидан тушунтиришлар олиб бориш; – маъмурий ҳудуддаги кафе, бар, ҳаммом ва бошқа кўнгилочар муассасалар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва амалга ошириш натижалари бўйича ахборот алмашиш; – профилактик ҳисобда турган шахсларга маҳалла фаоллари ва жамоатчилик вакилларидан мураббийлар бириктириш, уларни кенг жалб этган ҳолда тарбиявий таъсири чораларини кўриш; – маъмурий ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг узоқ муддатга чет элга чиқишилари ва қайтиб келишларининг ҳисобини юритишида кўмаклашиш; – жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни фош этиш, қидирудагиларни аниқлаш, фуқароларни огоҳликка чақириш, уларни турли хил тажовузлардан ҳимояланиш усуллари билан танишириш, шунингдек, зарурий мудофаа, охирги зарурат қоидаларига риоя этган ҳолда ҳимояланиш йўлларини ўргатиш бўйича тадбирларини биргаликда амалга ошириш; – жамоатчилик тузилмаларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни амалга оширишда фуқаролар йиғини раиси билан биргаликда раҳбарлик қилиш, фаолиятини қўллаб-қувватлаш, методик ва амалий ёрдам кўрсатиш.

### **ADABIYOTLAR:**

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 20 ноябрь куни ўтказилган жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишлиланган йиғилишда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 21 нояб.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

- 3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июнъдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги ҳузуридаги «маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 367-сонли қарори;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 июнь кунидаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги 391-сонли қарори;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 117-сонли қарори; 27) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сон буйруғи;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон буйруғи;